



Расталарда сотилаётган “безаар”, “табиий” шахватни оширувчи дорилар хакикатдан хам табиий, безаарми? Буни “Royal Honey” мисолида кўриб чикамиз.

Унинг сотувчилари куйидагича ёзишади:

Сиз хакингизда кайгуриб, биз инновацион препарат – “Royal Honey” ни ишлаб чиқдик. Унинг таркибидаги моддалар маҳсус ва аник нисбатларда солинган: асал, тропик ўрмон ўтлари ва шифобахш ўсимликлар экстракти бор. “Royal Honey” – бу шахватни кучайтирадиган, жинсий алокани узайтирадиган, тасирланишни кучайтирадиган ва якинлик пайтида доимий ва ёркин хиссиётлардан завкланиш имконини берадиган воситадир.

Яна сотувчилар куйидагича жадвални хам илова килиб кўйишади:

Эркаклар учун

Аёллар учун

Кичик тос сохаси аъзолари кон айланишини 100% активлаштиради

Жинсий мойилликни 100% оширади

Сперма микдорини 75% га оширади

Менстурал цикл симптомларини 45% га камайтиради

Тестотсерон микдорини 90% га оширади

Аёл жинсий аъзолардаги кон айланишни 95 % га ошириб, хиссиётни кучайтиради

Карама карши жинсни жалб килишни кучайтиради

Мен эса одатдагидек, такидлайман:

Бу моддани реклама килаётганингизда ва сотаётганингизда, одамларни алдамай тўгрисини айтинг: препарат табиий эмас, унинг кучи Тадалафил номли синтетик модда

тасирида намоён бўлади. Бу восита таркибидаги ўсимлик эса ёлгон учун кўшилган.
Бунинг исботи:

- Саудия Арабистони озик-овкат ва фарматсевтика идораси ушбу маҳсулот таркибида “тадалафил” фармацевтик моддасини аниклади.
- АҚШ озик-овкат ва фармацевтика идораси - ФДА ушбу маҳсулот таркибида “тадалафил” фармацевтик препаратини аниклади
- Канада согликни саклаш вазирлиги Royal Honey ишлатиш хавфи хакида огохлантиради, унда “тадалафил” мавжуд.
- Гонконгдаги маҳсус хизматлар Royal Honeyдан фойдаланиш хавфи хакида огохлантиради, унда “тадалафил” мавжуд мавжуд
- Ва бошкалар

Келинг энди тадафилнинг кандай ишлашини ва фармацевтика соҳасида, айникса яширин бизнесида машхурлигини кўриб чикайлик:

1. Жинсий органларга коннинг бориши окибатида у тез жинсий эрексия беради
2. Жинсий аъзолар сезигирлигини оширади
3. Таъсир 10 дакикада намоён бўлади
4. Инсон учун физиологик нормал бўлган вактни узайтиради.

Савол тугилади: “У жуда яхши ишлаётган экан, нега мен унга карши огохлантираяпман?”
Жавоб: “Мен уни рецептсиз ишлатишдан огохлантираман, агар шифокор сизга буни буюрса ва сиз дорихонага бориб расмий равишда рўйхатдан ўтган дори сотиб олсангиз, масалан Левитра, демак мен карши эмасман”.

Муаммо шундаки, ушбу гурухнинг дори-дармонларида катта спектрда ножўя таъсири ва кўплаб кўллаш мумкин бўлмаган холатлар мавжуд, айникса юрак-кон томир тизимида муаммо бўлганлар учун жуда хавфли бўлиб, агар сиз уни нотўгри ишлатсангиз, хатто улишингиз хам мумкин. Шу сабабли 100% кимёвий рецепт бўйича сотиладиган дори-дармонларни сохта табиий дори номи остида сотиб, инсон хаёти ва соглигига катта хавф тугдирасиз, шунингдек жиноят кодексининг бир катор моддаларини бузасиз, масалан, “Сохта, сифатсиз ва рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг муомаласи ва сохта биологик актив кўшимчалар (БАД) билан савдо килиш” ва ушбу моддага биноан энг юкори жазо 12 йилгача озодликдан маҳрум килиш ва 5 миллион рублгacha жарима хисобланади.

Мана Тадалафилнинг ножўя таъсири ва кўллаш мумкин бўлмаган холатлари.

Ножўя таъсири

Эректил дисфункцияли ва простатитнинг гиперплазияси билан огриган беморларда энг кўп учрайдиган нохуш ходисалар бош огриги ва диспепсия, шунингдек, бел огриги ва миалгия хисобланади.

ЖССТ таснифига мувофик, барча реакциялар аъзолар тизими ва ривожланиш даврийлиги бўйича таксимланади: жуда тез-тез (-1 / 10); кўпинча (-1 / 100, <1/10); камдан-кам (-1 / 1000, <1/100); камдан-кам (-1 / 10,000, <1/1000); жуда кам (<1/10 000), даврийлиги номаълум (мавжуд маълумотлардан реакциялар пайдо бўлиш даврийлигини аниклаш мумкин эмас).

Иммунитет тизимидан: кам холларда - юкори сезувчанлик реакциялари; камдан-кам холларда ангиоэдема.

Асад тизимидан: кўпинча - бош огриги; камдан-кам холларда - бош айланиши; камдан - кон томир касалликлари (шу жумладан геморрагик типдаги ўткир кон томир касалликлари), хушидан кетиш, вактинчалик ишемик хужумлар, мигрен, эпилептик тутилишлар, вактинчалик амнезия.

Кўриш органи томонидан: камдан-кам холларда кўзнинг хираллашиши, кўз ковогидаги огрик; камдан-кам холларда – кўриш майдонининг бузилиши, кўз ковокларининг шишиши, конъюнктив гиперемияси, артериал бўлмаган олдинги ишемик оптик нейропатия, кўз тўр пардасида кон томирларининг окклузияси.

Эшлиш органи томонидан: камдан-кам холларда - кулокларда шовкин; камдан-кам холларда – тўсатдан эшлиш кобилиятини ёқотиш.

Юракдан: камдан-кам холларда - юрак уриши, тахикардия; камдан-кам холларда - миокард инфаркти, коринча аритмияси, бекарор ангина.

Кон-томир тизими томонидан: кўпинча – юзда коннинг кўпайиб кетиши; камдан-кам холларда кон босимининг пасайиши, кон босимининг кўтарилиши.

Кўллаш мумкин бўлмаган холатлар

- Хар кандай ўзида нитрат бирикмалари тутган препаратлар билан бирга кўллаш;
- Охириги 90 кун ичida миокард инфарктини бошидан ўтказганлар, II даражали юрак етишмовчилиги, стенокардия билан огриган беморлар, жинсий алока пайтида стенокардия хуружи, артериал гипотензияси бор инсонларга;
- Ишемик невропатия туфайли кўришнинг йўколиши;
- Доксазин билан бир вактда фойдаланиш;
- 18 ёшгача бўлган беморларда сурункали буйрак етишмовчилиги;
- Лактоза етишмовчилиги, глюкоза-лактоза алмашинувининг бузилиши;
- Тадалафилга ёки препаратнинг бошка таркибий кисмига юкори сезувчанлик;

Хомиладорлик ва лактация даврида кўлланиши

Тадалафил аёлларда фойдаланиш учун мўлжалланмаган.

Буйрак иши бузилганида кўлланиши

Сурункали буйрак етишмовчилигида препаратни кўллаш такикланади.

Биз маколани кискача таржимасини келтирдик, тўлик [матн билан бу ерда танишишингиз мумкин](#).

Макола муаллифи: Амин ибн Мансур